

Сийрат 191-дарс. Қачон икки мусулмон қиличлари билан юзма-юз келишса, иккови ҳам дўзах аҳлидан бўлур



19:00 / 02.07.2022 4516

736. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Иблис тахтини сувнинг устига ўрнатади. Сўнгра гуруҳларини юборади. Энг катта фитна чиқарувчиси унга мартабаси энг яқини бўлади. Улардан бири келиб: «Уни қилдим, буни қилдим», дейди. «Ҳеч нарса қилмадинг!» дейди у. Сўнгра улардан бири келиб: «Хотини билан орасини бузмагунимча уни тарк қилмадим», дейди. Шунда уни ўзига яқинлаштириб: «Сен қандай ҳам яхшисан!» дейди. Аъмаш айтди: «Менимча, «Шунда уни қучоқлайди», дедилар».**

Муслим ривоят қилган.

* * *

737. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким бизга қарши қурол кўтарса, биздан эмас. Ким бизни алдаса, биздан эмас».

Муслим ривоят қилган.

* * *

738. Жундаб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким мутаассибликка чақирган ёки мутаассибликка ёрдам берган ҳолида залолат байроғи остида қатл қилинса, жоҳилият қатли билан қатл қилинган бўлади».

Муслим ривоят қилган.

* * *

739. Аҳнаф ибн Қайсдан ривоят қилинади:

«Мен бу кишини (Алийни) ирода қилиб чиқдим. Абу Бакра учраб қолди ва: «Эй Аҳнаф, қаёққа?» деди. **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг ўғлига ёрдам бермоқчиман», дедим. - Яъни, Алийга -. Шунда у менга: «Эй Аҳнаф, қайт! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қачон икки мусулмон қиличлари билан юзма-юз келишса, иккови ҳам дўзах аҳлидан бўлур», деганларини эшитганман», деди. «Қотил-ку майли, мақтулга нима учун бўлади?» дейилмаганми!» дедим. «У ўз соҳибини қатл қилишни ирода қилган эди» (дедилар), деди».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан